



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Хамидова Феруза Турдиевна**

*Навоий давлат педагогика институти Санъатшунослик факултети  
“Педагогика-психология” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Дунё таълим тизимида замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш, таълим шаклларини инновацион ташкил этиш, унда ахборот технологияларини қўллаш, янги сифат босқичларида модернизацияланган таълимни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқув масканларининг академик инфратузилмасини мазмунан таомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

**Калит сўзлар:** Компетентлик, ривож, функционал, субъект, вазифа.

Дунёда янгиланган таълим турларини олий таълим муассасаларига кенг татбиқ этиш, мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш тизимини кучайтириш, таълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти, дастурли-ташкилий ва бошқа зурур ресурсларни тўплашда ташаббускорлик кўрсатиш, шахсга йўналтирилган таълим мұҳитини яратиш орқали мураккаб педагогик вазиятлар ечимини топа оладиган зукко кадрлар салоҳиятини оширишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакаталарнинг нуфузли таълим муассасалари Шанхай, Хуачжуан университетлари (Хитой), Сеул, Сонгпонгван, Ёнсей университетлари (Жанубий Корея), Сингапур Миллий университети ҳамда “Таълим сифатини баҳолаш ва педагог кадрлар малакасини ошириш” (РФ, Жанубий Федерал университет) ва илмий-тадқиқот Марказларида таълим сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари ташкил қилинмоқда. Ушбу тадқиқотлар замирида партисипатив, замонавий ўқитиш технологияларининг дидактик аҳамияти, унинг таълим сифатига таъсири, тайёрланаётган бўлажак кадрлар хатти-ҳаракатидаги функционал вазифалари етакчилик қилиб, унинг диалектик ўзига хослигида илмий-назарий, педагогик ёндашувларни ўрганиш масалалари мухим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, мутахассисларнинг касбий сифатлари ва шахсий салоҳиятига талабларнинг юқорилиги, шахс ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида педагогик маълумотлардан кенг қамровли фойдаланишни талаб этмоқда. Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлай оладиган касбий компетентли, юқори малакали ўқитувчиларини миллий ва илғор хорижий тажрибаларни уйғунлашган ҳолда



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



тайёрлашнинг механизми ишлаб чиқилмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг моддий-техник базаси тарақкий этмоқда, меъёрий ҳужжатлар ва модулли малака талабларига асосланиш тизими жорий этилмоқда.

Хозирги кунда мутахассислар касбий фаолиятларини ҳаётий муваффақиятга эришиш учун шахсий шаклланишнинг асоси деб тушуниб, педагогик қўллаб-қувватланишга эҳтиёжлари мавжудлигини тан олмоқдалар. Ўз касбининг билимдони бўлиш учун нафакат соҳага оид концептларни, балки таълим технологиялари асосида шахсларнинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатишни ҳам яхши билиш керак бўлади. Мамлакатни ривожлантиришнинг Харакатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси томон илдам ҳаракатининг натижаси ҳам олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар тайёргарлигининг умуммаданий, маданиятлараро ва коммуникатив даражасига қўйиладиган талабларни қондиришга мўлжалланган.

2022 йилнинг 28 январида қабул қилинган ПФ-60 сон Президент Фармонида ўқитиш ва таълим олишнинг замонавий усулларини тадбиқ этган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, унда давлат томонидан ёшлар билан ишлаш сиёсатини такомиллаштириш, интеллектуал ривожланган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, таълим муассасаларида таълим сифати ва уни баҳолаш мезонларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан муайян вазифалар кўрсатиб берилди<sup>1</sup>.

Юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда таълим технологияларини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади. Бу эса таълим соҳасида қабул қилинаётган испоҳотларнинг барчаси фундаментал билимлар билан уйғунликда очиқ характерга эга бўлган, таълим субъектини таҳсил олиш марказига жойлаштирган педагогик ҳамкорлик асосида ташкил этилган дидактик жараённи ташкил қилишга қаратилган. Сифатли таълим мұхитининг шаклланганлиги таҳсил олувчиларнинг истеъдоди ва иқтидорини намоён этишларига шарт-шароит яратиш, креатив фикрли шахсларнинг ютуқларини кенгайтиришга йўл очади.

Замонавий таълим технологиялари-дастурлаштирилган таълим, компьютерли ўқитиш таълими, орқали тайёрланаётган кадрларнинг коммуникатив қобилияtlари, сўзлашув маданиятини ривожлантириш, уларда киришимлилик, эмпатияга мойиллик каби сифатларни таркиб

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон мўлжалланган йанги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида



топтириш мұхым ақамият касб этади ва бўлажак мутахасиссларнинг касбий профессиограммасида таянч компонентлардан бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай мутахассиснинг касбий компетенцияси ўз иш фаолиятини тўғри ташкил этиш, мулоқатга киришувчанлик, шириңсўханлик, тўғри муомала қила билиш, таҳсил олувчилар қалбига йўл топиб, уларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан самарали ўзаро муносабат ўрната билишдир.

Талабаларда касбий компетенцияларни таълим технологиялари асосида ривожлантиришнинг назарий-эмпирик асослари кузатув, таққослаш методлари асосида аниқлашга оид маълумотлар А-1-173 рақамли “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУ 2022 йил 3-март 02-07-621/04-сон далолатномаси). Натижада, талабаларда касбий компетенцияларни таълим технологиялари асосида ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

Талабаларда касбий компетенцияларни таълим технологиялари асосида ривожлантириш мазмуни, шакллари, воситалари ва механизmlари фаолиятга йўналтирилган қадриятлар асосида такомиллаштиришга оид хулосалар ва таклифлардан А-1-173 рақамли “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУ 2022 йил 3-март 02-07-621/04-сон далолатномаси). Натижада талабаларда касбий компетенцияларни таълим технологиялари асосида ривожлантириш мазмуни, шакллари, воситалари ва механизmlарига оид билимларни кенгайтиришга эришилган.

Талабаларда касбий компетенцияларни таълим технологиялари асосида ривожлантиришга оид муайян мезонлар ишлаб чиқилиб, методик тавсиялар воситасида педагогик амалиётга жорий қилинган натижалар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. Натижада, талабаларнинг касбий ташаббускорлиги, коммуникативлигининг ривожланганлик даражасини аниқловчи муайян мезонлар, методик тавсияларни такомиллаштириш имконияти яратилган.



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



## АДАБИЁТЛАР:

1. Нонака И., Х. Такеучи. Талабалар билими спирали.-М.: Радуга, 2019.-Б.78.
2. Зверева Н.Н., А.А. Касян "Таълим мазмунидаги услубий билимлар". Ж.: Педагогика. - 2019 йил. 1-сон. -БИЛАН. 9-11
3. Чернявская А.П., Баибординова Л.В., Харисова И.Г. Технологиялар педагогик фаолият. И қисм. Таълим технологиялари: дарслик / умумий. эд. А.П.Чернявская, Л.В.Баибординова. - Ярославл; ЯГПУ нашриёти, 2012 йил. - 311 б.
4. Селевко Г.К. Замонавий таълим технологиялари: Таълим нафақа. - М.: Халқ таълими, 2018. - 256 б.

